



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 13 октябр, жума № 40 (423)

Сотувда нархи эркин



Хива: Шаҳар электралоқа боғламаси биноси.

ЁШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Тошкент электротехника алоқа институтининг мажлислар залида «Инсонпарварлик бизнинг бурчимиз» мавзuida талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Юнусобод туман ИИБ бошлиғи уринбосари, милиция полковниги Д. А. Журабоев, Республика прокуратура бошқармаси бошлиғи уринбосари А. Н. Аҳмедов, Адлия маслаҳатчиси, туман прокурори уринбосари Д. Д. Қурбо-

новлар йштирок этишди.

Улар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида ёшларни Ватанини севишга, баҳамжиҳатликка, билим эгаллаш ва фаолликка чақиришди, талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Ш. ТУРСУНОВ,
ТЭАИ «Менеджмент ва маркетинг» кафедраси ассистенти

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Хабар» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида ёзиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.
Ташкилотлар учун – 228.

«Хабар» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси республикамиздаги барча алоқа бўлимлари, матбуот тарқатувчи жамиятлари ва айрим газета дўконларида 2001 йилга обуна қилишни давом эттирмакда.

МАСЪУЛИЯТ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган режа-жадвалига асосан Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2000 йилнинг 20 июлидан 20 августигача «Тошкент Телеком» хиссадорлик жамияти ва унинг Келес, Олмалик, Зафар, Янгийўл, Оққўрғон ва Ғазалкент филиалларида Тошкент вилояти аҳолисига алоқа хизмати кўрсатилишининг сифати, лицензия ва лицензия келишуви шартномаси шартлари ва бошқа қонуний ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши назоратдан ўтказилди.

48,8 фоиз булсада, ҳужжатда 18,8 фоиз дея қайд этилган. Шунингдек, I-II чорақдаги ариза ва шикоятларнинг статистик ҳисоботлари ҳам ҳаққоний тузилмаган. Айрим филиалларда ёзма ариза ва шикоятлар чуқур таҳлил этилмаган ҳамда уз вақтида урнатилган тартибда жавоб хатлари қайтарилмаган.

«Тошкент Телеком» ҲЖнинг 2000 йил, II-чорақ ҳисоботида 510 та маҳаллий таксофондан 59 таси, 158 та шаҳарлараро таксофонлардан эса 60 таси ишламаслиги кўрсатилган. Текширилган вақтда Келес, Олмалик, Зафар, Янгийўл, Оққўрғон ва Ғазалкент филиалларидаги жами 183 та маҳаллий таксофонлардан 162 таси ечиб олинди, омборхонада сақланаётгани аниқланди. Улардан 119 тасининг рақамлари дўкон, корхоналарга шартнома асосида берилиб, оддий телефон аппаратларига улаб фойдаланилаётгани аниқланди. Маълум бўлишича, текширилган 56 та шаҳарлараро таксофонлардан барчаси уридан ечиб олинган бўлиб, омборхоналарда сақланмоқда. Бу ҳолга сабаб қилиб тарификатор, жетонлар ҳамда эҳтиёт қисмлар етишмаслиги кўрсатилган.

«Тошкент Телеком» хиссадорлик жамияти филиалларида 2000 йилнинг I-чорақда капитал таъмирлаш ишлари 9 фоизга бажарилган, холос. Жамиятнинг қарзи туфайли барча филиалларда бино ва алоқа иншоотларини капитал таъмирлаш ишлари 20 апрелдан тўхтаиб қўйилган.

Телефон носозликлари турғисида бир кунда уртача Ангренда 150 та, Бекободда 90 та, Олмалиқда 125 та буюртмалар тушаётган бўлиб, йил бошидан уз вақтида тузатишмай қолаётган телефон носозликлари уртача Ангренда 700 та, Бекободда 85 та, Олмалиқда 60 тани ташкил этади. Ғазалкент филиалида бир кунда уртача 22 та буюртма тушган ва шу куннинг охирида ту-

затилганлиги қайд қилинган, бу ҳолат урганувчиларда шубҳа уйғотгани учун саралаб, 20 та телефон рақамларига тушган буюртмаларнинг қандай бажарилгани урганилди. Мисол учун, 28164 рақамли абонентга телефон қилиб суралганда, 5-апрелда буюртма берилгани ҳамда 25-майда носозлик тузатилгани аниқланди. Қибрай, Чиноз филиалларида апрел-май ойлари буйича назорат варақаси урганилганда ҳам аҳвол ўша-ўша эди. Линия бузилишлар йил давомида эмас, шу куннинг узида тузатилиши, тушган буюртмалар мижозлар карточкаларига дарҳол қайд этилиши керак эди. Аммо филиал раҳбарларининг уз ишларига лоқайдлиги оқибатида куплаб камчиликлар содир этилаётганлиги аниқланди. Биргина жорий йилнинг утган 5 ойида 301 та кабель уғирликлари содир этилган. Шунингдек, айрим филиаллар ҳужалигида шкаф, кабель яшиқлари, кудуқлар техник меъёрга мутлақо жавоб бермайди. Ғазалкент филиалининг қишлоқ телефон станцияларида боғловчи линия симёгочларининг 70 фоизи чиринган, яроқсиз аҳволда эканлиги қайд этилган. Бу аниқлиқ ҳоллар «Тошкент Телеком» хиссадорлик жамияти филиалларида бугун пайдо бўлган эмас. Бу ҳолат йиллар давомида, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли содир этилмоқда.

«Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади» деган гап масъулиятсизликни оқлай олмайди, албатта. Эл-юрт хизмати-га камарбаста бўлган алоқачилар бу оддий ҳақиқатни унутмасликлари керак.

А. РЎЗМЕТОВ,
Тошкент давлат алоқа инспекцияси катта инспектори

Тошкент шаҳар абонент тармоқлари муаммоларини ўрганиш жараёнида шаҳардаги базис худудларини телефонлаштириш оғир кечаётгани маълум бўлмоқда. Телефон кабелларининг ўгирлиги ҳоллари ҳам айрим қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Ўз ўрнида бу муаммолар симсиз алоқанинг афзаллигини яна бир бор исботлайди.

Маълумки, мижозларга абонент телефон тармоқлари қўлланилиб келган усулда, яъни мис симли кабеллардан қурилган пайтда уларнинг баҳоси умумий телефон тармоқлари учун кетган капитал маблағларнинг 25-50 фоизини ташкил этади. Бунда маблағларнинг асосий қисми алоқа кабелларини ётқизишга ва монтаж қилишга сарфланади. Шунинг учун ускуналарнинг баҳоси пасайишига қарамасдан, абонент телефон тармоқларининг қурилишида арзонликка эришиш муаммо бўлиб турибди.

Мисли ёки оптик толали кабеллар билан қурилган ҳозирги абонент тармоқлари катта ҳужаликни ташкил этади. Буни амалиётга жорий этиш куп капитал маблағни талаб қилади, аммо абонент алоқа йўналишидан фойдаланиш фойдаси юқори бўлмайди. Бунинг натижасида катта инвестиция-

ларни жалб қилиш ва кабель тизимларига сарфланган маблағни қоплаш жуда қийин кечади.

Хуш, янги алоқа воситаси?

СИМСИЗ АЛОҚА — ИСТИҚБОЛЛИ АЛОҚА

Яъни, симсиз алоқа технологияси тизимидан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖДА фойдаланиш учун қиммат кабелларни ётқизиш ҳамда катта ҳажмдаги муҳандислик қурилиш ишларини олиб боришга эҳтиёж қолдирмайди. Қулай бўлган симсиз алоқа технологияси аҳоли зич жойлашган туманлар, янги қад ростлаётган шаҳарчалар, телефон алоқаси ҳали ривожланмаган қишлоқларнинг турли шароитларида алоқа тизимини тез муддатда монтаж қилиб, аҳоли

эҳтиёжини қондириш имкониятини таъминлай олади.

Симсиз телефоннинг асосий ютуқларидан бири ер рельефининг чегараланмаганлигидир, бу эса «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Яна шунга эътибор бериш лозимки, симсиз телефон тизимида юқори алоқа сифатига эга бўлган

лабга ва тармоқ трафикасини ўзгартирилишига катта шароит яратади. Узатувчи ускуналар қувватини ошириш ва симсиз телефон тизими бошқарув мосламаларидан тулақонли фойдаланиш ҳисобига абонент яшаш жойини ўзгартирган тақдирда ҳам алоқа тармоғини қийинчиликсиз тўғрилаш мумкин. Кўпгина йирик хорижий теле-

фон компанияларининг тажрибаларини ўрганиш шуни курсатадики, ҳозирги телефон тармоқларига нисбатан симсиз телефон алоқаси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖДА амалда қўлланилса, унинг ютуқлари қуйидагилардан иборат бўлади.

— қисқа фурсатда ишга тушириш ва ҳажмнинг камлиги;
— қисқа муддатда таннархнинг қопланиши (3-4);
— капитал харажатларнинг 1,5-2 баробар камлиги;

— тармоқни кенгайтиришнинг қулайлиги ва мобил алоқа тармоғи билан осон уйғунлашиши;
— кабел телефон тармоғига қараганда алоқа уланмасининг сони 6-10 фоизни ташкил этади;
— 10 йиллик хизмат давомида нархнинг бир неча баробар пастлиги.

Симсиз тармоқни амалда қўллаш натижалари шуни курсатадики, беш йил хизмат давомида инвестициядан тушган даромад битта абонент ҳисобига кабел тармоғида тушган инвестиция даромадидан беш баробар кўпни ташкил этган. Мазкур тизимнинг асосий техник иқтисодий курсаткичларидан бири — абонент тармоғини тижорат хизматидаги унинг тезлигидир. Тизимнинг тезлигида ишга туширилиши унинг таннархини қисқа муддатларда қопланишига ва янада ривожланишига асос бўла олади. Бу биринчи навбатда бошланғич инвестиция ва сарфланган капитал маблағларнинг урнини қоплаб, бошқа йўналишларда сарфланишига имкон яратади.

Б. МИРЗААХМЕДОВ,
«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖнинг
Назорат хизмати Бошлиғи

ИБРАГИМ АКАНИНГ ИБРАТИ

Меҳнат фахрийси Ибрагим Набиулин 75 ёшида ишдан бўшаб ҳақида ариза берди.

— Нега бундай қарорга келдингиз, — дея ярим ҳазил аралаш юзланди раҳбар. — Истагангиз 100 ёшгача биз билан бирга бўлинг.

Эҳтиборингиз учун раҳмат, Шавкат Арслонович, — деди кекса алоқа ходими. — Энди бўёғига дам олай. Зерик-канимда келиб тураман.

Шу кун Ибрагим аканин иззат ҳурмати урнига қўйилди, фахрий нафақага кузатилди.

Ибрагим ака чинакам меҳнат кишиси, — деди биз билан суҳбатда «Сурхондарё Телеком» шуъба корхонасининг Бош директори Шавкат Ёқубов. — Жамоамизда ярим асрдан кўпроқ вақт ишлаган бўлса, бирор марта интизом-сизлик, ободсизлик қилмади. Бу кишидан урناق олса арзийди.

Новосибирск Ибрагим Набиулин таваллуд толган шаҳар. Бу ерда у воёга етди. Аммо қирқинчи йиллар бошидаги нотинчликлар Набиулинларнинг иссиқ урнини совутишига сабаб бўлди. Улар Жарқурғонга кучиб келишди. 17 ёшли Ибрагим туман алоқа бўлими қўшидаги телеграфда иш ўрна бошлади. Тез кўнда Морзе аппаратини ишлатишни ўзлаштириб олди. Ёш мутахассис бир йула тўрт туман — Жарқурғон, Шурчи, Денов ва Сарийоғда хизмат курсата бошлади. Уруш бошлангач, оловқалб йигит жангга отланди.

Жангчи Ибрагим Набиулин 1943 йилнинг қишини фронт йулида қарши олди. Ҳавт-мамот имтиҳони соатларидан парашютдан сакраш сирларини ўрганди. 213 парашютчилар ҳарбий отрядида энг фаол десантчилар сафидан урин олди.

Н. ЗИЁЕВ,
Термиз шаҳри

Жанговар топшириқни аъло даражада бажаргани учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. У галабага эришилгани ҳақидаги хушхабарни фронт халқаси ичида эшитди. Уруш тугагандан кейин ҳам беш йил хизмат қилди.

Бундан роппа-роса эллик йил муқаддам Ибрагим ака алоқа соҳасидаги фаолиятини давом эттиришга киришди. Ушанда Жарқурғондаги радиоузел «Туб-100» батареяси билан ишлатилар эди. У радиотехник сифатида янгилик яратишга интилди. Энди радиоузел «Ту-600» батареяси билан ишлаш бошлаб, қувватини оширди. Морзе телеграф эса «СТ-35» аппарати билан алмаштирилди.

1959 йили Сурхондарёда илк бор телекурсатувларни узатишга киришилди. Ховдакка 500 байт қувватга эга бўлган Тросо-20 маркали телевизион-радио узатиш ускунаси ўрнатилди. Бу муҳим ишдан Ибрагим Набиулин фаол иштирок этди. 1966 йили эса Термиз туманидаги алоқа корхонасида ташқи узатиш ускунасини монтаж қилишга хисса қўшди.

Ибрагим ака қаерда ишлаган, берилган топшириққа масъулият билан ёндошишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам доимо ишончли оқлашга эришди. Унинг нафақа ёшидан сўнг ҳам 15 йил меҳнат қилганлиги касбига иҳлоси, қадрдон жамоасига ҳурмати сабаблидир.

Уруш ва меҳнат фахрийси Ибрагим Набиулин бугун мустақиллик нашидасидан баҳра олиб яшамоқда.



Электромагнит мослашув маркази радио частоталарни тақсимлаш хизмати етакчи мутахассиси Ольга Алексеевна ВОЛЬКОВА ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚУЙДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Кафедра мудири:

1. Фалсафа — 1.

Профессор:

1. Радиоалоқа қурилмалари — 1.

Доцентлар:

1. Маркетинг ва менежмент — 1;
2. Эҳтимоллар назарияси ва статистика — 1;
3. Информатика — 1.

Катта ўқитувчилар:

1. Жисмоний тарбия ва спорт — 2;
2. Сигналлар узатиш назарияси — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

1. Алоқа корхоналарини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш — 1;
2. Олий математика — 3;
3. Алоқа корхоналарининг иқтисодиёти — 2.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Танловда курсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юртларида педагогик иш стажларига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108 уй.

Тел: 35-11-50.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтнинг «Телематика тизимлари» лабораторияси мудири **Мунира РАҲМОНБЕРДИЕВА**ни таваллуд айёми билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, мустақкам соғлиқ ва фарзандларининг камолини куриб юришини тилаб қолади.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтнинг «Телекоммуникация тармоқлари ва коммуникация тизимлари» факультети декани муовини **Шухрат ЖАББОРОВ**ни туғилган кун билан табриклайди.

Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Адолат кучи» Адвокатлик фирмаси жамоаси фирманинг бош директори **Маъруфжон ТОЖИБОВ**ни туғилган кун билан самимий табриклайди. Унга оилавий бахт, илмий ва педагогик фаолиятида муваффақиятлар тилайди.

Ойдайд аёл экан Ойжамол. Нури, оппоқ кулча юзиди биллар-билинмас ажн бўлсада, шашло кўзлари доим кулиб тургучи эди. Келинлик даври армонга айланган, умр буйи ёлғиз, жудоликда яшаётган бу аёлнинг темир иродаси дугоналар ҳавасини келтирарди. Аммо Ойжамол ёлғиз, бедор ўтган, «Пучоққа айланган» чала тунларда қанчалик жиддий, қанчалик хайлчан бўлишини ёлғиз ўзигина биларди, холос.

— Ҳой Ойжамол, кеча теле-визорда ажойиб кино бўлди, кўрдингизми? — дегувчиларга, бирор нарса сабаб бўлиб қуролмай қолганини айтади. Кино уруш ҳақида бўлгани учун телевизорни атайлаб учириб қўйганини айтмайди. Аста-секин унинг сеvimли юмуши хайл суриш бўлиб қолди. Ширин хайллар утмишга чорлайди. Болалиги ўтган кўчалар, ота маскани — чоғроқ қўрғонча, боғдаги кенг ишқомлар, бақалар тинмай қуриллайдиган ҳовуз лабидидаги супа, унда жамалак соч дугоналари билан усма қўйишиб, ашула айтишиб ўтказган ажиб-ажиб ширин дамларни энди фақат ахён-ахён тушида куради. Урушда бедарак кетган Жамолддиндан умидини узмайди. Умидли дунё. Болалик... боғ кўчалар... Йўқ, асло... барчаси армон. Армонли дунё.

Қисқагина келин-куёвлик даврида кечган нури кўнларни, охуздай чопқир тунларни

эслайди.

Жамолддин ҳам уша боғ кўчалик йигитлардан эди. Улар бир мактабда ўқиган, бир кўчада усган, вақт-соати етиб бир-бирига кўнгил қўйган эдилар. Афсури, уларнинг қувончи давру-давронлари кўпга бормади. Чиллалигида уруш бошланиб, кўп қатори Жамолддин ҳам эг-

эди: «...дом-дараксиз йўқолди...».

Шундан кейин Ойжамолни ширин сузлар билан юпатувчилару «дустона» маслаҳат берувчилар аввалгидан ҳам кўпайиб кетди.

— Илойим ёлгон булсин! — деди биров.

— Асир тушиб кетгандир, —

ОЙЖАМОЛ

Ҳикоя

нида шинель, қўлига қурол билан жангга кетди. Ойжамолга Жамолддиндан икки ёдгорлик қолди. Бери совғага берилган узук бўлса, иккинчиси-бўйида қолган Ёдгўр эди. Биринчи эс-далик ҳамон унинг бармоғида. Аммо иккинчиси, юз-кўзлари отасини эслатадиган ўғил бир ёшга етиб-етмай қизамикдан нобуд бўлди. Жамолддиннинг эса ҳали ўғилчаси дунёга келмасиданоқ, минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилнинг февралда Киев учун олиб борилган жанглардан бирида шахид бўлганлиги бир умр мавҳумлигича қолаверди. Бироқ, бу шум хабарнинг эпикнигини Ойжамолга урушдан кейин, минг тўққиз юз қирқ еттинчи йилнинг саратонда гармселдай етиб келди. Бу хунук хабар шундай бемаъно ва тугуриқсиз

деди бошқаси.

Бошқа биров эрга тегишни маслаҳат берди. Ойжамол бўлса Жамолддин деб яшарди. Уни қароридан ҳеч ким қайириб «йўлга» соллолмади. Жигарғушасидан ҳам, ёридан ҳам ажралган Ойжамол бу дунёда ёлғиз эди. Кишиларнинг насиҳати ва кўнгил сурашларидан безиллаб юрган вақтда, катта қурилиш режасига тушиб қолган маҳалла тугатилди.

Ойжамолнинг ҳовлиси бузилиб, унга ҳам бир хоналик қурилади. Лекин у квартира олганидан эмас, қулуги тинчиганидан хурсанд бўлди. Энди бу ерда маҳалладаги каби бекорчи қўшилари йўқ. Ҳеч ким эрга тег деб маслаҳат бермайди, насиҳат қилмайди.

Ойжамол яшайдиган уйда

биз қўшни бўлиб қолдик. Бир неча йил қўшничилик қилдик. Қўшничилигимизнинг дастлабки кўнлариди шундай деган-ди.

— Айланай, кўнглингизга қаттиқ ботса ҳам бир гапни айтиб қўяй, — деди майин, синиқ овозда.

— Айтинг, айтинг, — дедим мен хайрон бўлиб.

— Шу десангиз, менга насиҳат қилган, маслаҳат берган одамни ёмон қураман.

У сўзини тугатмасиданоқ мен гапни илиб кетдим.

— Худди менинг узим экансиз, опа. Мен ҳам маслаҳат берган, насиҳат қилган одамни улғудай ёмон қураман.

Бу гап қўшнимга жуда маъқул бўлди. Шундай қилиб биз бир неча йил, тугурироғи, ун етти йил қўшничилик қилдик. Ойжамол(ая) етмиш етти ёшида тусатдан оғриб, етиб қолди. Аҳволи оғир бўлиб, қаровчиси йўқлигидан «акаси билан жиғини келиб, олиб кетишди. Бир неча кундан кейин улар келдилар.

— Ойжамол опамнинг аҳволи қандай? — деб сурадим.

Вафот этганлигини айтишди.

«Во ажаб... Шундай чиройлик аёл ҳам уладими?» — деб уйлабман ногаҳон.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАХМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуробой ТЎЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КўнЛАРИ ЧИКАДИ

Тахририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-742.
5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Оналар дуоси ижобат бўлғай.

● Ажаб дунё

БУҒДОЙ БОШОҒИДАН НУСХА ОЛИБ

Машҳур француз энтомологги Жон Анри Фабр аммофиль арасининг чувалчанг топиш фаолиятини батафсил кузатган. Биологлар яхши биладики, аммофиль араси ўзининг личинкаларини овқатлантириш учун чувалчанг излайди. У учиб юриб бир жойда тўхтайдиган ва тупроқни қавлай туриб уша захотмиёқ чувалчангни топади. Олим арасининг ер остидаги чувалчангни топиши унинг

бош қисмидаги мўйловлари ёрдам беради деган фикрни уртага ташлади. Айрим мутахассислар ари мўйловчаларини эрга теккизиб, махсус сеvсимик тўлқинларни тутати, деган фикр билдиришади. Баъзилар эса ҳашорат махсус нур ёки инфрақизил нурларни тутати дейишмоқда.

Хуллас, сезиларсиз товуш тўлқинларини эшитиш ёки нурларни тутиш учун ёрдам бера-

диган нозик техник асбоблар яратиш имкони тугилди.

Дов-дарахт, ут-уланлар ҳам турли касбдаги мутахассислар эътиборини жалб этиб келмоқда. Буни айниқса қурилишда яққол куриш мумкин. Машҳур Останкино телеиндораси ҳозирги куришининг бунёд этилишига буғдой бошоғи сабаб бўлган экан.

А. АЛИЕВ тайёрлади

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?

аклисиздан урган», «Тамизни бетамиздан урган», «Ақли урганар, аҳмоқ ургатар».

Аёз, кўрган кўнинг унутма, кўн чорининг қўритма. Аёз исми бир чўпон ақлилиги ва ҳозиржавоблиги туфайли хон вазир даражасига кўтарилди. У олий мартабада уздан келиб қолмаслиги ва ҳадди-

дан ошмаслиги, илгари кўрган азобли кўнларини унутмаслиги учун чўпонлигида кийиб юрадиган эски кўн чорининг кўзи тушиб турадиган жойга — саройнинг теласига осиб қўйган экан. Ҳар гал чоринга кўзи тушганда, ўзига ўзи: «Аёз, кўрган кўнинг унутма, кўн чорининг қўритма», деб танбёҳ

бериб қўйган. Бу мақол ана шу афсона билан боғлиқ. Утмишда кўндан (хом теридан) тикилган чорик вақти-вақти билан наллаб турилган. Шундай қилмаса тери қўжжираб, ёрилиб-ёрилиб кетган. Шундан келиб чиқиб, «кўн чорининг қўритма» дейилган. Муқобили: «Атлас кийсанг — бузингни унутма, Кимхоб кийсанг — алагингни».

Адабни беадабдан ўрган. Бу мақол тарихи Луқмон Ҳаким ҳақидаги нақллардан бирига тақалади. Саъдийнинг «Гулистон»ида бу нақл кўйидагича изоҳланган. «Луқмон Ҳакимдан: «Адабни юмдан ургандинг?» деб сурадилар. Луқмон жавоб берди: «Адабни беадаблардан ургандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзини сақладим.» Муқобиллари: «Ақлни